



## Ислом Нури

Муаллиф: Абдулмалик ал-Косим

Мутаржим: Абдурраззок Хамдам

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□**Мукаддима**

Оламлар Парвардигори Аллохга хамду санолар, Пайгамбарлар хотами Мухаммад *саллаллоху алайхи ва саллам*га раҳмату саломлар бўлсин!

Азиз ўқувчимга “Тавба рисоалари” туркумидан биринчи китобни такдим килаётирман. У яхшиликларни барбод қилувчи, ёмонликларни келтирувчи, вақтларни зое қетказувчи бир ифлос касаллик хусусида сўзлайди. Бу – гийбат касаллиги. Диний назоратнинг етишмаслиги, ҳаётнинг қулайликлари, бўш вақтларнинг кўплиги унинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Бу ишда алоқаларни осонлаштирувчи телефоннинг ҳам ўзига яраша хиссаси бор.

Хар нарсадан Олий ва хар нарсага Кодир Аллохдан дуо қилиб сўрайманки, шу мужазгина рисола билмагани билдирувчи, уйқудагини уйготувчи, эзгулик ва тавба эшикларини очувчи бўлсин!

Аллох ишларимизни холис Ўзининг муборак Юзи учунгина бўлишини муяссар айласин!

## Кириш

Азиз биродарим, билингки тилини тийган одамнинг хатоси кам, тизгини ўз қўлида, ўзи эса хавф-хатардан холи бўлади. Бундай одамга Пайгамбар (*саллаллоху алайхи ва саллам*) жаннатнинг қафолатини берганлар:



## Ислом Нури

«Ким менга икки жаги ва икки оёогининг орасига кафолат берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман».

Икки жагнинг ораси бу – тил.

Имом Нававий *рахматуллохи алайх* айтадилар:

«Билгинки, хар бир мусулмон тилини хар кандай фойдасиз гапдан тиймоги лозим. Агар бир гапни айтишу айтмасликнинг фойдаси тенг бўлса, уни айтмаслик суннатдир. Зеро гохида мувох гап харом ёки макрух гапга айланиб кетади. Одатда бундай ишлар кўп бўлади. Саломатликга нима етсин?!»

Кимнинг тили тўғри бўлса, бошка аъзолари хам тўғри бўлади. Агар тил осийлик килиб одамларнинг обрўсини тўкиш кўчасига кирса, бошка аъзолар хам унга эргашиб Аллох белгилаб кўйган худудларни топтайдилар. Пайгамбар (саллаллоху алайхи ва саллам) шундай деганлар:

«Одам боласи эрталаб ўрнидан турганида унинг хамма аъзолари тилга ёлбориб шундай дейдилар: Биз хусусимизда Аллохдан такво килгин. Зеро, биз сен билан биргамиз. Агар тўғри бўлсанг, тўғри бўламиз, эгри бўлсанг эгри бўламиз».

Хадисдаги "ёлбориб" сўзининг арабчаси "тукаффиру" бўлиб келган. Имом Нававий раҳматуллохи алайх "ёлбориб", "ўзини паст олиб", "бўйин эгиб" маъносида деганлар. Имом Албоний эса: "Бу сўз аъзолар тилни неъматларга нонкўр бўлиш манзилатига туширишларидан киноя" дейдилар.

Азиз биродарим! Тил бу — Аллохнинг улуг неъматлари ва ажойиб



## Ислом Нури

санъатларидан биридир.

Унинг хажми кичик, аммо тоати хам, гунохи хам буюк. Зеро, тоатнинг манбаи бўлмиш иймон хам, гунохнинг энг етиб борган нуктаси бўлмиш куфр хам шу тилнинг гувоҳлиги билан билинади. Тилнинг майдони кенг, бепоёндир. У эзгулик борасида хам, ёвузлик борасида хам хоҳлаганича от сура олади. Шунини учун хам тилининг тизгинини кўйиб юборган одамни шайтон узок-узокларга, халокатга олиб боради. Тилни шариат тизгини ила тизгинлаб олган хамда бу тизгинни дунё ва охират учун фойдали бўлган ишлардагина ишлатган одам омондадир.

«... ва айримларингиз айримларни гийбат килмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гунохи бундан-да ортиқроқ бўлган гийбатни хам ёмон кўрингиз)! Аллохдан кўркингиз! Албатта Аллох тавбаларни Кабул килгувчи, Мехрибондир». (Хужурот:12- оят).

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки кулок, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (хар бир инсон) масъул бўлур (яъни, бу уч аъзоси борасида Киёмат кунида сўроққа тутилади)». (Исро:36-оят).

«У (инсон) бирон сўзни талаффуз килмас, магар (талаффуз килса), унинг олдида хозиру нозир бўлган бир кузатувчи (айтилган сўзларни ёзиб олувчи фаришта) бордир». (Коф:18-оят)

Абу Мусо розияллоху анху айтадики: Мен Пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламдан, мусулмонларнинг кандайлари афзал бўлади, деб сўраган эдим, у зот: «Мусулмонлар унинг тили ва кўлидан саломат



## Ислом Нури

бўлган кишидир», — деб жавоб бердилар.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Кимки Аллохга ва охиратга иймон келтирган бўлса, яхши гап бўлса гапирсин, бўлмаса жим турсин!»

Укба ибн Омир розияллоху анху айтадики: «Эй Расулуллох, нажот нимада», деган эдим. У зот:

«Тилингни тий, уйинг сенга кенг бўлсин (яъни ахлинг яхши муомалада бўл) ва гунохларингга йигла», — дедилар.

Муоз ибн Жабалнинг хадисида келадики, Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам унга ишнинг боши, устунлари ва чўккисини уктириб, кейин шундай дедилар: “Буларнинг хаммасининг асоси нимада эканлигини айтиб берайми?”. Муоз айтадики: “Ха, эй Расулуллох”, — дедим. Шунда у зот тилларини ушлаб: “Бунни тийгин”, — дедилар. Мен: “Эй, Расулуллох гапирган гапларимизга хам жавоб берамизми?”, — деган эдим, у зот: “шуни хам билмайсанми, ахир одамларни дўзахга юз тубан килиб туширувчи шу тиллари билан ўриб олган хосилларику!”, — дедилар.

Анас розияллаху анху айтади: Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам бизга хутба килиб, рибо (судхўрлик) хусусида сўзладилар ва унинг на кадар катта гунох эканлигига ургу бериб шундай дедилар:

«Кишининг рибодан топган дирхамининг гунохи Аллохнинг наздида 36 марта зино килишидан хам каттарокдир. Мусулмоннинг обрўсини тўкиш риболарнинг рибосидир».

Энди гийбатчини дунёю Охиратда жазоланишига бир назар



## Ислом Нури

ташлайлик.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

«Эй тили билан муъмин бўлиб дилига иймон кирмаган кимсалар! Муслмонларни ғийбат килманглар, уларнинг айбларини кузатиб юрманглар. Зеро, кимки муслмон биродарининг айбини кузатиб юрса, Аллох унинг айбини кузатиб юрур. Энди Аллох кимнинг айбини кузатиб юрган бўлса, гарчи уйининг ичида бўлса ҳам шармандасини чикарур».

Жобир ибн Абдуллох розияллоху анху айтадиларки: «Биз Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам билан бирга эдик. Бирдан сассик хид таралди. Шунда Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам: «Бу нимани хиди эканлигини биласизларми? Бу муъминларни ғийбат киладиган кишиларнинг хидидир», — дедилар.

Анас ибн Молик айтадики: Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам шундай деганлар:

«Мени меърожга олиб чикилганида бир кавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноклари бўлиб, юзларини ва кўкракларини тирнар эдилар. “Эй Жаброил, булар кимлар?”, — деб сўраган эдим. У зот: “Одамларни гўштларини ейдиган ва обрўларини тўкадиган кимсалар”, — деб жавоб бердилар». **Ғийбат харомдир**

Имом куртубий айтади: «Муслмон уламолари бир овоздан: Ғийбат — гунохи кабирадир деб айтишган. Уни килган одамнинг Аллохга тавба килмоги вожибдир». **Ғийбатнинг таърифи**

Ғийбат бу — биродарингизнинг ўзи эшитиб колса, ёктирмайдиган



## Ислом Нури

“айб”ини айтмогингиздир. Бу “айб” унинг хох баданию насабида, хох хулкию динида, хох феълию сўзида ва хох кийимбошида бўлсин фарки йўқдир.

Бадандаги “айб”га мисоллар: Кўрлик, гилайлик, новчалик, паканалик, коралик, сариклик, каллик ва бошка ёкимсиз сифатлар.

Насабдаги “айб”га мисоллар: Унинг отасининг зоти паст, ё у хинди, ё фосик, ё хасис, ё ахлат ташувчи ва шу каби одамлар хуш кўрмайдиган сифатлар.

Хулкдаги “айб”га мисоллар: Бадхулк, бахил, мутакаббир, жанжалкаш, аразчи, кўркок, тегманозик каби сифатлар.

Динга алокадор феъллардаги “айб”га мисоллар: Ўғри, каззоб, пияниста, хоин, золим, намозга бепарво, закотга эътиборсиз, рукуъни тўғри килмайди, саждани яхши бажармайди, нажосатдан сакланмайди, ота-онасига яхшилик килмайди, касамхўр, рўза тутгани нимаю гийбату фиски-фасоди нима?!

Дунёга алокадор феъллардаги айбларга мисоллар: Одобсиз, одамларни менсимайдиган, ўз хаддини билмайдиган, махмадана, уйкичи, бошқалар устидаги ўзининг хаккини кўриб, ўзи устидаги бошқаларнинг хаккини кўрмайдиган ва бошка сифатлар.

Кийимдаги айбларга мисоллар: енги кенг, пойчаси калта, устибоши кир кабилар.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам гийбатнинг таърифини сўраб дедилар:



## Ислом Нури

«Гийбат нима ўзи? Биласизларми? Сахобалар:

- Аллох ва унинг расули билувчирок, — дейишди.
- (Гийбат бу) биродарингизнинг ўзи ёмон кўрадиган бир “айб”ини айтмогингиздир. Сўрадиларки :
- Агар биродаримда мен айтган “айб” (хакикатда ҳам) бор бўлса-чи?
- Агар биродарингда сен айтган “айб” бор бўлса уни гийбат килибсан, агар бор бўлмаса бўхтон килибсан».

Гийбат тил билангина чекланиб колмайди.

Биродарим! Тил билан гийбат килишнинг харомлигига сабаб, унда бир бошка биродарингизни камситишлик борлигидир. Киноя билан айтиш очик айтишдан фарк килмайди. Имо ва ишора, мазах килиш ва эрмаклаш, ёзув ва харакат, хуллас бошка бировни камситувчи хар кандай иш гийбатга киради.

Оиша онамиз розияллоху анхо айтадилар: «Бизникига бир аёл кирди. Кайтиб чикиб кетаётганида, кўлим билан унинг паканалигига ишора килдим. Шунда Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам уни гийбат килдинг дедилар».

Ўхшатиб килик килиш, эрмаклаш ашаддий гийбатдир.

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам Оиша онамизни бир аёлга ўхшатиб килик килаётганини кўриб шундай дедилар:



## Ислом Нури

«Ўзимда фалон-фалан (айблар) бўла туриб, бошка бир одамни эрмаклашни мен ўзимга эп кўрмайман».

Ёзув билан гийбат килиш ҳам харом. Зеро, калам икки тилнинг биридир.

Биродарим! Юкоридагилардан бирини қилган одам гарчи рост сўзлаётган, бор ишни қилаётган бўлсада, у гийбатчидир, гунохкордир, биродарини гўштини егувчидир. Агар ёлгон сўзлаётган бўлса, у ҳам гийбатчи ва ҳам ёлгончи-бўхтончидир.

Муоз ибн Жабал айтади: «Пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг олдиларида бир киши хусусида сўзланиб, у нақадар ожиз дейилди. Шунда Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам "биродарингизни гийбат қилдинглар", — дедилар. Сахобалар айтдиларки: "Ё Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам биз унда бор нарсани айтдикку!", "Унда бўлмаган нарсани айтганларингда унга бўхтон қилган бўлар эдинглар", — дедилар, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам».

Хасан айтади: «Бошкаларнинг айбини айтиш уч хил бўлади. Уччаласи ҳам Аллохнинг китобида бор. Биринчи гийбат (унда бор нарсани айтиш), иккинчи бўхтон (унда йўқ нарсани айтиш), учинчи ёлгончилик (эшитганини айтавериш)».

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

«Мусулмоннинг мусулмонга ҳамма нарсаси харом: Кони ҳам, моли ҳам, обрўси ҳам».

Гийбат обрўга алоқадор бўлгани учун уни мол ва қон қаторига





## Ислом Нури

### кўйилди. **Гийбатнинг турлари**

Гийбат турли хил кўринишларда, шаклларда бўлади. Энг ёмони бир вақтнинг ўзида ҳам гийбат ҳам риё қилишдир. Чунончи, бир одамнинг олдида бошқа бир одамнинг подшоҳ саройига борганлиги айтилса, у “Аллоҳга шуқурки: подшоҳларнинг олдига кириш, суяк илинжида уларга ялтоқланиш балоси бизга юкмади”, деб риё ва гийбат қилади. Яна бир мисол: Бошқаларни камситиш ва ўзини улуглаш мақсадида: “Аллоҳ бизни ҳаёсизликдан асрасин”, дейди.

Гоҳида бир одамни мактаб кейин ёмонлашга ўтади.

Айтадики: “Кандай яхши одам эди-я! Ибодатларни тўла-тўқис адо этар эди. Шундай одам мана шу ахволга тушиб қолса-я. У ҳам ҳаммамизга ўхшаб сабрсизлик қилди-я”. Бу гапларидан мақсади бировни ёмонлаш орқали ўзини макташ бўлади. Бу иш билан у ҳам гийбатчи, ҳам риёкор ва ҳам мактанчокка айланади. **Гийбатнинг сабаблари**

1- Аллоҳдан кўркиш ва ҳаромдан эҳтиёт бўлишнинг етарли даражада бўлмаслиги. Чунки Аллоҳнинг буюқлигини ва ҳар бир ишдан воқифлигини ҳис қилган одам у Зотни газаблантирадиган ишлардан ўзини четга олади.

2- Бирор иш туфайли ёмон кўриб қолган одамни гийбат қилиш билан аламидан чиқиш.

3- Гоҳида одам дўстлари билан алоқа узилиб қолмаслиги учун ҳам уларнинг гийбатларига кўшилади. Уларнинг гапларига эътироз билдирсам оғир олиб қолмасинлар, деб шундай қилади.

4- Бошқаларни камситиш орқали ўзини улуглаш. Масалан, фалончи



## Ислом Нури

нодон, дунёкараши тор, дейди. Бу билан ўзини илгор бир инсон килиб кўрсатмокчи бўлади.

5- Хасад: Хасадчи, одамлар бошка бировни яхши кўриб, хурмат килаётганларини кўрадида, у одамга хасад килганлигидан гийбат килишга ўтади.

6- Хазил: Одамларни кулдириш учун бировларга сўзида, харакатида таклид килиб, эрмак килади. Айримлар бу ишни ўзларига хатто касб килиб хам олганлар.

7- Ўзини хамма нарсадан хабардор, кўп маълумотга эга бир киши килиб кўрсатиш.

Гийбатнинг бундан бошка сабаблари хам бор. **Мубох (рухсат этилган) гийбат**

Гийбатсиз эришиб бўлмайдиган бир шаръий мақсад учун гийбат килиш мубох. Бунинг сабаблари олтига:

1- Султон ёки козига арзини айтаётган пайтида. Масалан, фалончи менга зулм килди, дейиш мумкин.

2- Бирон мункар ишни ўзгартиришга ёрдам сўраш мақсадида. Масалан, фалончи фалон ишни килиб юрибди, уни тийиб кўйгин, дейиш мумкин (буни хам шу иш кўлидан келадиган одамга айтилади).

3- Фатво сўраш: Масалан, муфтига бориб, фалончи менга бундай зулм килди. Ундан халос бўлиш учун нима килишим керак?, дейиш мумкин. Аммо якин кишилари хакида сўрамокчи бўлса, мас: бир одамга отаси ёки эри зулм килса кабилида гапирса яхша бўлади.



## Ислом Нури

4- Муслмонларни ёмонликдан огохлантириш. Масалан, ровий (хадисни ривоят килувчи) ёки гувоҳнинг айбини билса айтиб кўйиш. Бу иш жоизгина эмас, балки вожибдир. Кудачилик ёки шерикчилик ишларда ҳам айбни яширмасдан айтишлик.

5- Бир одам фиску-фужур ишларни ҳеч кимдан яширмасдан очикчасига килаётган бўлса уни гапириш мумкин.

6- Аниклик киритиш: Масалан, биров кўр, қар ёки соқов лақаби билан танилган бўлса, уни (таништишир пайтида зарур бўлса) айтиш мумкин. Унинг бошқа бир хурматли сифати айтилиб, аниклик киритилса яхшироқ бўлади. Гийбатнинг каффорати

Гийбат харомдир, гуноҳи кабирадир унинг каффорати хусусида олимлар ихтилоф қилган бўлсалар ҳам, тавба қилиш вожиблиги хусусида иттифок қилганлар.

Тавба қабул бўлишининг учта шарти бор:

1. Қилинган гуноҳдан тийилиш.
2. Қилган ишдан пушаймон бўлиш.
3. Қайтиб қилмасликка қатъий қарор қилиш.

Гийбатдан тавба қилишнинг тўртинчи шарти ҳам бор. Чунки гийбатчи иккита жиноят қилади. Биринчидан, у харом ишни қилиб Аллохнинг ҳаққига жиноят қилади. Унинг каффорати тавба ва пушмон қилиш. Иккинчидан, у банданинг ҳаққига жиноят қилган бўлади. Бунда агар айтган гапи ўша одамнинг қулогига етиб борган бўлса, ундан кечирим сўраб қилган ишидан пушаймонлигини изҳор қилади, агар гийбати



## Ислом Нури

унинг кулогига етиб бормаган бўлса, гапириб ўлтирмайдида гойибона унинг хаккига истигфор айтади. **Салафларнинг дурдона сўзларидан**

Во ажаб! Инсон харом ейиш, зулм, зино, ўгрилик килиш ва арок ичиш каби ишлардан тийила оладию, тилини тийишга келганда ожизлак килиб қолади. Келинг, яхшиси бу хусусда салафларнинг холига бир назар ташлайлик.

Вахб айтади: “Мен бирор инсонни гийбат килсам бир кун рўза тутиб бераман, деб назр килдим. Аммо гийбатни ташлай олмадим. Гийбат хам килавердим, рўза хам тутавердим. Кейин хар бир гийбатим учун бир дирхам садака киламан, деб ният килдим. Шу дирхамларни яхши кўрганимдан гийбатни ташладим”.

Суфён ибн Хусайн айтади: “Илёс ибн Муовиянинг олдида ўтирган эдим, бир киши ўтиб колди. Мен уни камситадиган бир гап айтдим. Шунда у: “Жим бўл”, деди. Кейин менга Илёс ибн Муовия шундай деди:

- Румга карши уриш килганмисан?

- Йўк.

- Мўгул-татарларга карши уриш килганмисан?

- Йўк.

- Сендан руму-мўгиллар саломат бўлибдию, мусулмон биродаринг саломат бўлмабти-да.

Шундан кейин бу ишни кайтиб килмадим”.



## Ислом Нури

Яхё ибн Муоз айтади:

«Муъминнинг сендан оладиган насибаси учта бўлсин. Унга фойда бермасанг зарар ҳам килма, уни хурсанд килолмасанг гамга ҳам солма, мактай олмасанг ёмонлама ҳам».

Иброхим ибн Адхам зиёфатга чакирилибди. Келиб ўтиргач, одамлар: Фалончи келмади дейишибди. Шунда улардан бири: “Ўзи у огиркарвон одам”, - дебди. Бу гапни эшитган Иброхим: “Мени корним шу ахволга солди. Кайси бир зиёфатга бормай, бир мусулмонни гийбат килмай иложим йўк”, — деб хеч нарса емай чикиб кетибди.

Рабийъ ибн Хайсамга: «Сиз бировни айблаганингизни кўрмадик», деганларида: «Ўзимдан рози эмасману бошкани ёмонлашга каёкдан вақт топай», — деган экан.

Хасан Басрий раҳматуллохи алайхга, сизни фалончи гийбат килди, дейишса, унга бир товок хурмо ҳадя килибди. Халиги одам келиб, мен сизни гийбат килсам, сиз менга ҳадя берасизми? — дебди. Шунда Хасан Басрий раҳматуллох алайх: «Барча яхши амалларингни савобини ҳадя килган экансан, шунга яраша муомала килиб кўйишни хохладим», деган эканлар.

Абдуллох ибн Муборак шундай деган эканлар:

«Агар бировни гийбат килмокчи бўлсам, аввало ота-онамни гийбат килардим. Чунки, менинг яхши амалларим савобига ўшалар ҳаклирок».

Ашхаб ибн Абдулазиз ўзини гийбат килган одамга мактуб йўллаб, шундай дебди:



## Ислом Нури

«Аmmo баъд: Сенга мактуб ёзишимга сабаб, мен хакимда кўпрок гийбат килгин дер эдим, лекин гунох йўлига сени чакиришдан кўркдим. Билгинки, мен сенинг яхшиликларинг ичида кўйлар яйловда юргандек юрибман. Вассалом».

Азиз биродарим!

Намозин, рўзасин, бор амалларин,

Савобин бўлишар ким килса гийбат.

Гунохни кўтарур, во ажаб.

Ўгил-кизга хам килмас бундай саховат.

Абу Бакр ибн Абдуррахмон айтади:

«Ўзинг колиб, одамларни гапириб юрмагин. Чунки сен уларга эмас ўзингга ўзинг жавобгарсан. Кунингни, фалончи ундай, фалончи бундай, деган гаплар билан ўтказиб юборма, чунки хар бир айтган гапинг сакланиб сенинг зиёнингга ишлар». **Ғийбатнинг давоси**

Ийсо алайхис-салом хаворийларидан: «Шамол авратининг бир четини очиб ташлаган холда ётган бир одамнинг олдига келиб колсангизлар, уни ёпиб кўярмидингизлар?», — деб сўрадилар.

-Ха — дедилар.

-Бекор айтибсизлар. Колганини хам очиб ташлардингизлар.

-Субханаллох, кандай килиб колганини хам очиб ташлаймиз?!



## Ислом Нури

-Олдингизда биродарларингиздан бирининг бир айби айтилса, унинг колган барча ёмон ишлари хакида сўзлашмайсизларми? Шу ишларингиз унинг колган авратини очиб ташлашингиз эмасми?

Гийбат аталмиш машъум касалликдан кутилиш учун билиш ва килиш керак бўлган айрим ишларни санаб ўтамиз.

1. Гийбатчи Аллохнинг газаби ва азобига гирифтор бўлур.
2. Унинг яхши амалларининг савоблари ўзи гийбат килган одамга ўтиб кетар. Яхшилиги бўлмаса, гийбат килинувчининг гунохлари унинг устига юкланур. Ким ушбуни ёдида тутса тилини гийбатдан бутунлай тияди.
3. Гийбатчи ўзининг айбларини ўйлаб уларни ўнглашга ҳаракат килсин. Ўзи айбли бўлатуриб, бошкани айблашдан уялсин.
4. Ўзида ундай айб бўлмаса Аллохга хамд айтиб шукур килсин. Нафсини энг катта айб (яъни гийбат айби) билан кир килмасин.
5. Мусулмон биродарини гийбат килиш унинг ўлик холида гўштини ейиш билан баробардир. Гийбатчи ўз биродарини гўштини еяётганини хис килсин.
6. Гийбатчини ўз холига ташлаб кўймасдан, дархол тўхтатмок лозим. Бир мусулмоннинг обрўсини ўзи йўк бўлса хам химоя килиш вожиб.
7. Гийбат ва тилни гийбатдан саклаш хусусида келган хадисларни эслаш лозим.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам:



## Ислом Нури

«Биласизларми? Хонавайрон, карздор-муфлис ким?, — деб сўрадилар.

Сахобалар:

– Биз пули хам, нарсаси хам йўк одамни хонавайрон муфлис одам деймиз, — дейишди.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам:

– Умматимнинг хонавайрон муфлиси шундай кимсадирки, у Киёмат кунига намози, рўзаси, закоти билан келур. Айни пайтда бир одамни ҳақорат қилган, бировнинг молини еган, яна бировни ноҳақ қонини тўккан, яна бировни эса урган бўлади. Бу кимсаларга унинг яхши амалларининг савобидан берилур. Карзини тўлаб бўлмаётуриб, яхшиликларининг савоби тугаб қолса, уларнинг ҳатоларидан олиниб унинг устига юкланур. Кейин ўзи дўзахга ташланур, — дедилар». (Имом Муслим ривояти). **Ғийбатдан ман қилишнинг фазилати**

Ғийбатнинг шохиди бўлган мусулмон уни дарҳол тўхтатиб, биродарининг обрўсини сақлаб қолмоғи лозим. Бу иш нафл эмас вожибдир. Агар тўхтатилмаса эртами-кеч жазосини тортилур. Бу вазифани адо этишнинг фазилати хусусида ёрқин далиллар келган.

Асмо бинт Язиднинг ривоят қилишича, Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам шундай деганлар:

«Кимки, дўстининг обрўсини ўзи йўқлигида химоя қилса, уни дўзахдан озод қилиш Аллохнинг устидаги ҳақ бўлиб қолади».

Яна Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам шундай дейдилар:





## Ислом Нури

«Кимки, биродарининг обрўсини сакласа, Аллох таъоло Киёмат куни уни дўзахдан саклайди». (Термизий ривояти)

Биродарим, гийбатга кулок солган одам гийбатчининг гунохига шерикдир. Иложи бўлса тили билан, бўлмаса, дили билан кайтармок лозим. Кодир бўла туриб кайтармаса, гунохкор бўлур. Тили билан “Жим бўл”, дейишию, ичида ўзи хохлаб туриши мунофикликдир. Тўхташликка ишора килишнинг ўзи кифоя килмайди. Очикчасига кайтармок лозим.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

«Кимнинг олдида бир муъмин хорланса ва у ёрдам беришга кодир бўла туриб ёрдам бермаса, уни Аллох Киёмат кунида хамма халойик кошида хорлайди».

Биродарим! Ғийбатчининг мажлисларни кирлатишига, обрўларни тўкишига асло йўл кўйманг. Мусулмонларнинг шарафини химоя килинг. Шояд сиз йўк бўлиб ўша гийбатчи гўштингизни емокчи бўлганда, сиз учун хам бир химоячи топилиб колса.